

Хаёт гайритабиий ходисаларга бой. В. Вернадский: «Чинакам илмий иш хар калай умумий хулоса эмас, балки тажриба, тахлил, мезон, янги фактдир», деб таъкидлаган бўлса, сталинча тарихшунослик эса масалани осонликча хал килади. Яъни, фактларни улоктириб, тахлилни имкон борича соддалаштиради, аникроги, уни атайлаб «ўзгармас», сохта акида билан алмаштиради. Кейинчалик «умумий хулосалаш» доираси кенгайиб боради, акидалар бир оз «юмшайди». Хакикий, хаётий тарихий материал тайёр колипга солинаверади, колипга сигмаган нарса хакида лом-мим демай кетаверилади…

Маълумки, 1920 йил 12 январда Туркистон Компартиясининг V Ўлка курултойи очилган. Курултойда Рискулов гурухи, хозирги кунда ишлатилаётган ибора билан айтганда, делегатларнинг «малакали» кўпчилиги ёрдамида Туркистон Коммунистик партияси номини Турк Коммунистик партияси деб, Туркистон мухтор жумхуриятини эса «РСФСРнинг Турк жумхурияти» деб ўзгартириш тўгрисида карор кабул килинишига эришган. Кўриб турибмизки, бу харакатда марказдан кочишга, яъни совет Россиясидан ажралиб чикишга интилиш тўгрисида гап йўк.

Расмий тарих фани хам «Турк шўро жумхурияти ва Турк Компартияси хакидаги таклиф илк бор мухокама килинганда, ушбу масаланинг кун тартибига кўйилиши ижобий сиёсий далиллар келтирилиб асосланганлигини кайд килмасликнинг иложи йўк», деб тан олади. Аммо кейинчалик акида фактлардан устун келиб, асосий сиёсий далил нимагадир мана бу тарзда шубха остига олинади, «…чунки у (Рискулов) таъкидлаб ўтганидек, бу ердаги ахолининг кўпчилиги турклар эмиш». Мана шу «эмиш» деган кинояда гап кўпга ўхшайди!..

Холбуки, Рискулов программасига дастлаб хатто РКП(б) Марказий кўмитасининг Турккомиссияси аъзолари хам рози бўлган эдилар. Ш. Элиава ва В. Куйбишев рози бўлишган, Ф. Голошченкин иккилаииб турган. Я. Рудзутак карши чиккан. Аммо бундан хабар топган М. Фрунзе зудлик билан Тошкентга етиб келади ва Турккомиссиянинг махсус фавкулодда мажлисида Т. Рискуловни каттик танкид килади, хатто уни «совет хокимиятининг душмани», деб атайди.

Курултойга таклиф килинган тезисларда бундай дейилган эди:

I. Бешта вилоятдан ташкил топган Туркистон туркий халкларнинг киргиз, сарт, ўзбек, туркман, коракалпок, кипчокларнинг ватани, деб хисоблансин, келиб чикиши турклардан

бўлмаган тожиклар хам шунга киради… Туркистон республикаси миллий совет жумхурияти деб хисоблансин, бу ерда ўз такдирини ўзи белгилайдиган туб халк — турк халки, деб тан олинсин…»

Мана шу «советларга карши» программа, юкорида айтиб ўтганимиздек, кабул килинган эди. Курултой делегатлари ягона жумхурият компартиясининг вакилларидан иборат эмасди. Шундай бўлса-да, программа кабул килинди. Аксинча, мана шу курултойда юкорида айтиб ўтилган карор билан бир вактда, нихоят, ягона компартия тузишга карор килинди. Бу таклиф хам Рискулов гурухи ва унинг бошлигидан чикди. Учта ўлка ташкилоти бўлишига йўл кўйиб бўлмаслигини кайд килиб, Т. Рискулов бундай деган эди: «Шу билан бирга, мусулмонлар Мусбюрога, чет элликлар чет эллик коммунистлар кўмитасига бўйсунадилар ва шу вактдан ўлка кўмитаси ўз ахамиятини йўкотади».

Шу сабабдан Турк Коммунистик партиясини тузиш зарур эди, бу эса омма «мусулмон коммунистлар ташкилотларининг ахамияти инкор этилмаслигини» тушуниб олишига кисман ёрдам берган бўлур эди.

Бу тезисларни хам курултой, хам Турккомиссиянинг юкорида номлари санаб ўтилган аъзолари кўллаб-кувватладилар. Бирок февраль ойининг охирига келиб, М. Фрунзе ва Я. Рудзутак федератив жумхурият тузишни «ўлка ахолисининг бирон-бир асосли талаб ва эхтиёжи такозо килаётгани йўк», деб даъво килдилар.

Шу аснода вазият чигаллашди ва кескинлашди. Элиава ва Куйбишев кийин ахволда колдилар. Ўз-ўзидан, нима килиш керак, кандай жавоб кайтариш керак, бу хакда В. И. Ленин нима дейди? — деган савол тугилади. Ш. Элиава «Туркреспублика» масаласидаги келишмовчилик тўгрисида РКП(б) МК га батафсил хабар берди. ВКП(б) МК Сиёсий бюроси Элиаванинг хатини зудлик билан кўриб чикиб, 1920 йил 8 мартда «…мухтор жумхуриятнинг коммунистик партияси турк компартияси деб эмас, балки Туркистон Компартияси деб аталсин», деган карор чикарди.

Айни замонда МК «Туркистон мухторияти тўгрисида низом» кабул килди (шуни кайд килиб ўтамизки, бу билан МК конун чикарувчи ташкилот ва хукуматнинг вазифасини бажарди). Мунозара давомида Н. Тўракуловнинг Туркистонни зудлик билан миллий жумхуриятларга бўлиш тўгрисидаги таклифи ўртага ташланди. Турккомиссия рахбарияти бу таклифни, бир томондан «ошкора миллатчилик рухидаги интилишларга карши таклиф», деб бахолади. Аммо бошка томондан, «Турккомиссия аъзолари В. В. Куйбишев ва Ш. Элиава Туркистонни бир неча миллий жумхуриятларга бўлиш мумкинлигини асосан рад этмасалар-да, фукаролар уруши давом этаётган, малакали кадрлар етишмаётган бир вактда,. ушбу масалани хал килиш шу куннинг шиори бўлиши мумкин эмас, жумхуриятлар тўгрисидаги карорни зудлик билан хаётга татбик килиш Туркистондаги жамики ишларда бошбошдоклик тугдиради хамда шак-шубхасиз барча жумхуриятларимиздаги ашаддий миллатчилик рухидаги юкори катламларга кўл келади», деб билдилар.

Кўриб турганимиздек, хар икки холда хам, марказ миллатчиликдан чўчиган, бу эса масала боши берк кўчага кириб колишига сабаб бўлган. Бу масалани кандай хал килиш

мумкин эди? Ўтмишга айланган масалани хал килишга киришмай (масала яхшими, ёмонми хал килинганлигини — Туркистон жумхуриятларга бўлиб юборилганлигини биламиз) бир нарсани таъкидлаб ўтмокчимиз: Бизнингча, асосий масала ўша вактда ўртага ташланган таклиф эмас, балки масаланинг мохиятидадир. Буни Рискулов гурухи тезисларининг муаллифларидан бири бўлмиш Ю. Алиев аник ифода килган: «Агар биз Туркистонни Турк жумхурияти деб атасак, бу билан ўз такдиримизни ўзимиз белгилашга бўлган харакатимизни кўрсатган бўламиз ва сиёсатни енгиллаштирамиз». Хозирги кунда хам долзарб бўлган масала шундай эмасми?

Масаланинг мохияти мана шунда эди, шунинг учун хам Т. Рискулов бошлик кўпчилик коммунистлар РКП (б) МК Сиёсий бюросининг карорига кўшила олмаган эдилар. Т. Рискулов гурухи бундай карорга келишда нимага таянганлигини, нимадан умид килганлигини жиддий ўйлаб кўриш керак. Юкорида айтиб ўтилган «ижобий» далил, аникроги, уларнинг хакикий далили нимадан иборат эди?

Бу саволга жавоб бериш учун В. И. Ленин ва сафдошларининг миллий масалага доир асосий фикрларига кайтишга тўгри келади. 1914 йилдаёк В. И. Ленин миллатларнинг ўз такдирини ўзи белгилаш хукуки масаласини кўтариб чиккан эди. Маълумки, умуман, бу фикр Лениннинг Октябрдан олдинги кўпдан-кўп асар ва нуткларида асосий ўринни эгаллайди. В. И. Ленин РСДРП(б)нинг VII Бутунроссия конференциясида сўзлаган мухим тарихий нуткида бундай деган эди: «Бизда Милюков ўтириб олиб, Родичевни Финляндияга юборар экан, ва бу Родичев фин халки билан хаёсизларча савдолашар экан, биз бундай деб айтамиз: «Рус халки, Финляндияга зўровонлик килма; бошка халкларга зулм килувчи халкнинг ўзи озод бўлиши мумкин эмас».

Бу гоя Ленин хокимият тепасига келгандан кейин, кабул килинган бир канча конун кучига эга хужжатларда ўз аксини топди. «Россия халклари хукуклари декларацияси»да Россия халкларининг ажралиб чикиб, мустакил давлат тузишгача бўлган ўз такдирларини ўзи белгилаш хукуки тан олинди, хар кандай миллий, диний имтиёз ва чеклашлар бекор килинди. Россия худудида майда миллатлар ва этник гурухлар эркин ривожланиши эълон килинди.

Янги миллий сиёсатга ва миллий давлат тузумига худди мана шу ўз такдирини ўзи белгилаш асос килиб олинган, бу нарса машхур «Россия ва Шаркнинг барча мусулмон мехнаткашларига» мурожаатда яна бир бор баралла янгради. Унда «сизнинг дин ва урф-одатларингиз, сизнинг миллий ва маданий муассасаларингиз бундан буён эркин ва дахлсиз», деб эълон килинади. Ўз миллий турмушингизни эркинлик билан ва бахузур туза берингиз. Шундай килишга хаклисиз», деб алохида таъкидланади.

Алкиса, инкилобга тайёргарлик даврида, инкилоб даврида миллатларнинг ўз такдирини ўзи белгилаш хукуки хакида, гарчанд умуман бўлса-да, гапирилган. Бирок, 1918 йилдан бошлаб, В. И. Ленин ва сафдошлари ушбу гояни бошка томонга буриб юбордилар: Хар бир миллат факат «совет тартиблари асосида» ўз такдирини ўзи белгилаш хукукига эга.

Бу ибора хамма жойда, РКП(б) карорларида, партия рахбарларининг нуткларида, махаллий ходимларга ва жойлардаги марказ вакилларига юбориладиган йўл-йўрикларда

эслатиладиган бўлиб колди.

Ха, В. И. Ленин ва И. Сталин 1918 йил 22 апрелда «Тошкентда бўлаётган Туркистон ўлкаси Советларй съездига, Туркистон ўлкаси Халк Комиссарлари Советига мурожаат килиб бундай деб ёзган эдилар: «Халк Комиссарлари Совети ўлкангизнинг совет тартиблари асосида автономия бўлишини кўллаб-кувватлайди, бунга кўнглингиз тўк бўлсин, сизларнинг ташаббусингизни табриклаймиз ва шунга каттик ишонамизки, сизлар бутун ўлкада советларнинг кенг тармогини вужудга келтирасиз, мавжуд Советлар билан тўла хамкорликда иш олиб борасиз».

Ўз-ўзидан маълумки, халк хокимияти ўз такидирини ўзи белгилашга асло монелик килмайди, балки унинг конуний натижасидир. Аммо ягона партиянинг якка, ялпи хокимлиги шароитира бу факат бир нарсани, у хам бўлса хокимият, сиёсат бутунлай марказ кўлида бўлишини англатарди. Хаёт буни тасдиклади. Марказнинг Туркистондаги вакиллари ваколатини тасдикловчи сон-саноксиз мандатларда улар Туркистон ўлкасида Халк Комиссарлари Советининг декрет ва карорлари ўз вактида аник бажарилишини «назорат» килиб туришлари зарурлиги алохида таъкидланади. Эливава, Кобозев ва Киселевлардан иборат биринчи мувакка комиссия Туркистонга жўнаб кетаётганда, унга дархол куйидагича ваколат берилган эди: «Комиссия мансабдор шахсларни суд жавобгарлигига тортиш ва совет ишларига тўсик бўлаётган ташкилотларни таркатиб юборишгача фавкулодда хукуклардан фойдаланади. Туркистондаги махаллий ва вилоят Совет муассасалари комиссия фармойишларини бажаришлари мажбурийдир».

Турккомиссия, Марказий Кўмитанинг Туркистон Бюроси ва хоказоларнинг ваколати янада кучли ва кенг эди. Партия сиёсатидаги мана шундай кўпдан-кўп карама-каршиликлар миллатларнинг ўз такдирини ўзи белгилаш ва мустакилликнинг асосий конун-коидалари курук сафсатага айланиб колишига олиб келган.

В. И. Лениннинг А. А. Иоффега ёзган машхур хатини олайлик: «Махаллий халкларнинг ишончини козониш, козонганда хам уч ва тўрт кара козониш, бизлар империалислар эмаслигимизни, буржуа империализми томонига огиб кетишга асло йўл кўймаслигимизни исботлаш бизнинг бутун жахоншумул сиёсатимиз учун гоят мухимдир.

Бу — жахоншумул масала, муболагасиз, жахоншумул масаладир.

Бу масалада жуда катъий бўлиш керак.

Бунинг Хиндистонга, Шаркка таъсири бўлади, бу масала билан хазиллашиб бўлмайди, бу масалада минг хисса эхтиёткор бўлиш лозим».

«Миллатлар тўгрисидаги «ёки «автономлаштириш» тўгрисидаги масалага доир» маколасида эса В. И. Ленин бундай деб ёзади: «Мен миллий масала тўгрисидаги асарларимда: «умуман миллатчилик хакида масалани абстракт тарзда кўйиш мутлако ярамайди», деб ёзган эдим. Эзувчи миллатнинг миллатчилиги билан эзилган миллатнинг миллатчилигини, катта миллатнинг миллатчилиги билан кичик миллатнинг миллатчилигини фарк килмок лозим». (В. И. Ленин, ТАТ, 45-том, 402-бет).

Аммо назарий сиёсат билан амалий сиёсат ўртасидаги чукур зиддият кайта-кайта ўзини кўрсатаверади. Махаллий большевик рахбарлар хар кадамда иккиланишга, ноаникликка, дудмаликка, баъзида эълон килинган конун-коидаларни очикдан-очик бузиш холларига дуч келавердилар. Чунончи, 1920 йил 8 июнда Амир Олимхон Бухоро амирлигининг Москвада элчихонасини очиш хусусида ташки алокалар халк комиссари Г. Чичеринга хат юборди. Бирок Бухоро Компартияси МКнипг аъзолари ва шахсан МК раиси Нажиб Хусайнов ушбу фойдали ташаббусни йўкка чикариш максадида марказга телеграмма юбордилар.

Кўкон мухторйятини таркатиб юбориш чогида «хаддан ошилганлигини», яъни тинч ахолига карши тўплардан ўк узилганлигини кўплаб рахбарлар тан олган. Д. И. Манжара бу иш хатолик эди, деб хисоблаб, хотираларида шундай ёзади: «Мухториятчилар жойлашиб олган эски шахарни куршал олиб… тўпга тутдик, кейин эса куролланган дашнокларни ва бошка отрядларни ишга солдик. Натижада, боскинчилик ва зўравонлик бошланди, бундан мухториятчиларга нафакат хеч кандай алокаси бўлмаган, балки хатто уларга карши бўлган ахоли азоб чекди».

Бунга яна шуни кўшимча килиш мумкинки, умуман, кўп холларда кўшин декретга амал килмасди. Масалан, М. Фрунзе бошчилигида Бухорога хужум килинганда шундай бўлди. Бу ва шунга ўхшаш вокалар содир бўлишига сабаб кизил кўшин кисмлари ахолининг шовинизм дардига дучор бўлган табакаларидан тузилганлигидир. М. Фрунзенинг ўзи кайд килганидек, «дехкончилик ўлкасида пролетариатнинг соф диктатураси амалда бир ховуч европаликларнинг мусулмонлар оммаси устидан диктатурасидир».

Масалани хал килиш учун Туркистонда шовинизм дардига дучор бўлган айрим рахбарларни чакириб олиш ва кизил кўшин сафларини «ёт унсурлардан тозалаш», давлат, совет ва харбий курилишда адолат ўрнатиш, мутаносибликка амал килиш зарур эди.

Туркистон делегацияси деб ном олган Т. Рискулов бошлик давлат арбоблари гурухи 1920 йил майида Москвага мана шу масала юзасидан борган эди. Делегациянинг максади марказ самарали хал кила олмаётган ўз муаммоларини фаоллик билан хал кила оладиган мустакил федератив Турк Шўро жумхуриятини тузиш хусусида марказ билан музокара олиб бориш эди.

Делегация фаолияти хакида гап бошлашдан аввал хакикий ахволга берилган батафсил бахога яна бир бор кайтиш фойдадан холи бўлмас. Бу бахо хамма жихатдан бўлмаса-да, кўп жихатдан Сиёсий бюро ва Халк Коомиссарлари Свети Туркистон Комиссиясидан олган маълумотларга ўхшаш эди. Факат улардан турлича хулоса чикарилди.

Т. Рискулов Туркистон компартиясининг III ўлка съездида сўзлаган нуткида изтироб билан бундай деган: «Партиядош ўртокларимиз бутун мусулмон пролетариатидан шубхаланадилар. Ерли ахолига нисбатан бўлган муносабат мана шундай нуктаи назарга асосланади. Баъзи жойларда партия дружиналари тузила бошлаган эди, уларнинг куролини олиб кўйдилар. Лекин айни замонда, айтишларича, билмадим, бу хакикатми ёки игвоми, ўлдирилган боскинчиларнинг бири партия гувохномаси бўлган ўртогимиз экан.

Партиядош ўрис ўртокларимиз хеч кандай чора кўрмаганлар…

Фаргонага борганимизда, партиядош ўртокларимиз кўркинчли хаёт хакида гапириб бердилар. Улар «биз уларни зорикиб кутдик», дедилар. Мусулмонлар хамма жойда каршиликка учрамокдалар ва тан олинмаяптилар.

Тўгри, Фаргонада мусулмон депутатлар бор, уларнинг хеч кандай нуфузи ёки таъсири йўк. «Биз хеч нарса кила олмаяпмиз, бизларни мажлислардан хайдаб чикариб юбормокдалар», дейишди мусулмонлар бизга. Бундан ташкари, уларга камаб кўямиз, деб дўк килмокдалар. Мана шундай шароитда, мусулмонлар оммасининг партияга ва совет хокимиятига муносабати кандай бўлиши мумкин!

Боз устига талончиликни хам кўшиб кўйиш керак. Мусулмонларнинг бор-йўгини тортиб олмокдалар, тортиб олибгина колмай, ўлдирмокдалар хам. Бизнинг аскарлар химоя килиш ўрнига таланмокдалар ва ўлдирилмокдалар, жиноятнинг изни йўкотмокдалар. Кишлокларда ахоли дахшатга тушиб кочиб кетяпти. Ва ўгрилар тўдаси кўпайиб боряпти, лекин кимдир партиямас, кизил кўшин зўравонлик киляпти, деб эътироз билдириши мумкин. Аммо партия рахнамо. Барча хокимият ташкилотларига партиявий ўртоклар рахбарлик килишяпти, лекин улар ахволни яхшилаш учун хеч кандай чора кўрмаяптилар. Уларнинг хомийлиги остида, хамма жойда ичкиликбозлик ва номаъкул ишлар авж оляпти, бинобарин, партия мана шулар учун айбдор, албатта. Мен бир мажлисда бўлдим, унда эхтирослар авжига чикди. «Агар улар шундай киладиган бўлсалар, биз нихоят уларни бу ердан хайдаб юборамиз», дейишди партиядош ўртокларимиз мусулмонлар хакида. Маълум бўлишича, сайлов вактида мусулмонлар ўзлари хурмат килган ва ўзларини хам хурмат киладиган ўрисларга кисман овоз берганлар.

Мусулмон пролетариати ўрислардан ёрдам сўрайди,. аммо улар биз сизларга ишонмаймиз, деб жавоб бермокдалар. Мусулмонларни кийнамокдалар, уларни хатто отиб ташламокдалар, бинобарин, мусулмон пролетариати икки ўт орасида колди, яъни бир томондан ўрислар унга ишонмаяпти, иккинчи томондан эса ўгрилар тўдаси тахдид соляпти. Бизда хали-ханузгача мусулмон ва мусулмон бўлмаганларга бўлиш сакланиб келяпти.

Мусулмонлар — миллатчилар, деган хакорат эшитсалар, кандай килиб бизга нисбатан дўстона муносабатда бўлсинлар. Биз ўзимиз уларни миллатчи киляпмиз».

Диккат килинса, хокимиятнинг ўзи кандай килиб ўзига душман орттирганининг мохияти бу нуткда аник очиб берилган. Худди мана шу — Халкнинг хукук ва манфаатларини тан олмайдиган сирли кудрат аслида ўша йилларда казаклар, Антоновнинг кўзголонларига, Кронштадт исёнига, кейинчалик эса янада дахшатли вокеаларга олиб келди. Тўгри, у вактда Сталин давригача, партия минбаридан хали вокеаларни ўз номи билан аташ мумкин эди. Бинобарин, Т. Рискулов мана шу имкониятдан мардона фойдаланиб, халк номидан хукумат билан халк ўртасида пайдо бўлган чиндан хам фожиавий ихтилофни таърифлаб берди: «Ўртоклар, биз камбагал мусулмонлар Николай замонида вахший хайвон ахволида кандай бўлган бўлсак, хозир пролетар хукуматимиз даврида хам худди шундай, хатто ундан баттар ахволдамиз, гарчи мана шундай ахволда Совет хокимиятига

каршилик килмай, имкони борича, унга ёрдам бераётган бўлсак-да, шундай ахволдамиз. Биз зулматда оч-ялонгоч яшаб, итдек кафансиз ўлиб кетаётганимизга ким айбдор? Аммо мен айбдорни тўгридан-тўгри кўрсатиб бера олмайман, мен бундай дейман: Коммунистлар программаси жуда макбул ва тўгри программа, бизнинг хокимият вакиллари нима сабабдан унга амал килмайдилар, буни мен билмайман, чамаси, улар билмаганларидан ёки жўрттага кўзни чирт юмиб шундай киладилар, устига-устак, улар программага карши курашамиз, дейдилар, шу бахона билан боримизни тортиб олиб, ўз хамёнларини каппайтира бошладилар. Нахотки, хокимият программаси шундай бўлса? Бундай эмас, албатта… мен заракунанда бойлар хакида гапираётганим йўк, аммо мисол учун, бир камбагал пролетарнинг битта оти ва араваси бор эди, юк ташиб оиласини бокарди. Кизил аскарлардан биттаси келиб, хеч кандай хак тўламасдан, отини тортиб олади, бунинг касофатига унинг оиласи оч-ялангоч колади. Нахотки, шу хам программага мувофик бўлса? Бойларни шилиш бахонасида шахардаги 84000 ахолининг хаммасини шилишган. Шу тўгрими, ахир? Намангандан келтирилган молнинг хаммаси, хатто кулфгача мусодара килинган: Нахотки, шунча мол ениб кетган ёки бошиданок сотила бошлаганмиди?

Баъзи кишиларни куролинг бор, деб айблаб хибсга олганлар. Куролни топа олмаганларидан кейин ва маълумот йўклиги сабабли озод килганлар, 5—10 минг жарима солганлар. Бу пул каёкка кетган, советларнинг хазинасигами ёки киссагами? Агарда киссага кирган бўлса, сизнингча бу тўгрими?

Хокимиятни ишончли хокимият деб биламан, аммо мана шу хокимият хокимлари бўлмиш ўртоклар аслида нима килдилар? Улар факат ўзларининг ўринсларини ажратиб олиб, химоя килдилар, яхши едириб-чирдилар, яхши кийинтирдилар, ўз уйларини бегоналарнинг тортиб олинган шойи мато ва бошка кимматбахо буюмлари билан безадилар, биз мусулмонларга нима каромат кўрсатдилар? Едириб-ичирдиларми? Йўк. Кийинтирдиларми? Йўк. Агар кийинтирганларида, камбагаллар ялангоёк юрмасди, агар едириб-ичирганларида, минг-минглаб очлар ўлмасди. Бизникиларнинг нимаси колди?

Йиртик-ямок кўрпа-тўшагидан бошка хеч вакоси колмади.

«Фаргона вилоят революцион комитетининг Фаргонанинг мехнаткаш ахолисига чакириги»да бир ярим йилдан буён босмачиларнинг карокчи тўдалари Фаргона вилоятини тилка-пора киляпти, улар Фаргонанинг тинч фукароларини хонавайрон килмокдалар, ўлдирмокдалар, зўрламокдалар. Бизнинг Кизил кўшин кисмлари, ўз навбатида, хар доим хам ўз нуфузини саклай олмай, тинч ахолига жабр килмокдалар», дейилган»…

Бундай хаддан ошиш ва суиистеъмолликларни Ю. Папоровнинг маколасида келтирилган мисоллар хам тасдиклаб турибди. Унда шундай дейилади: «Фаргона фронтининг кўмондони ўрток Коновалов босмачиларнинг кароргохи тўгрисида маълумот олгач, Бозоркўргонга йўл олади ва йўл-йўлакай отряди хакида босмачиларга хабар бериб кўйишидан кўркиб, йўлда дуч келган барча ўзбекларни отиб ташлайди. Отряд, чиндан хам, Бозоркўргон атрофида босмачиларга дуч келади ва улар билан жанг килади. Ўрток Коновалов кета туриб, Бозоркўргон билан кўшни бўлмиш Никосльск кишлоги ахолисини,

23 кун давомида Никольск кишлоги ахолиси Бозоркўргонни «тозалайди». «Тозалаш» шундан иборат бўладики, аввал факат талашади, кейин эса ахолини ота бошлашади, эркакларни босмачиларга хайрихохликлари учун, болаларни келгусида босмачи бўлиб етишишлари мумкин бўлганлиги учун отишади…»

Хакикатан хам, ушбу фактлардан кўз юмиб бўлмайди, баъзи фактлар умумий хулосаларга зид келади, уларни рад этади. Аммо мухим фактларнинг канчадан канчаси, хакикат ярим асрдан кўпрок вакт давомида яшириб келинган бир шаритда, тарихий хакикатни тўла-тўкис тиклаш учун ошкор килинишини кутиб ётибди.

1920 йил май-июнь ойларида Туркделегация В. И. Ленин ва бошка рахбарлар билан музокара олиб борди, ўз таклифларини баён килди. Таклифларнинг мохияти куйидагича эди:

Бутун хокимиятни батамом, Конституцияга мувофик, туб ахоли мехнаткашларига бериб, Турккомиссияга, революцион харбий кенгашга рахбарликдаги хар кандай кўп боскичликка чек кўйиб, Туркфронт революцион харбий кенгашининг хукукларини чеклаб, буларни амалда бажариш керак.

Делегация яна:

а) Туркистонда мусулмонларнинг кучли Кизил кўшинларини тузиш хамда кулоклардан тузилган барча Кизил кўшин кисмларини зудлик билан куролсизлантиришга киришиш ёки уларни бошка фронтларга ўтказиш.
б) Турк республиканинг Харбий комиссарлигини тиклаб, унга Кизил Кўшинни хисобга олиш, сафарбар килиш, тузиш ва ўкитишни топшириш… Туркистон худудида кисмларни факат туб ахолидан тузиш;
в) Туркреспубликада бутун хокимиятни Советлар съездига, Турк МИКга ва Халк Комиссарлари Советига топшириш;
г) «Турккомиссияни» тугатиш;
д) Туркистонга мусулмонлардан харбий ва сиёсий ходимлар юбориш; Марказдан Туркистонга юборилаётган ходимлар Туркистон ўлка партия комитети ва Туркистон Марказий ижроия комитети ихтиёрига ўтиши зарур деб билди.
Бу ерда гап асосан хокимият ваколатларини жумхурият билан марказ ўртасида бўлиш хакида боради, хар холда делегация Москвага иккала томон учун хам макбул карорга келиш учун борган.

Хўш, кандай карорга келинди?

Авваламбор, иккинчи томоннинг хам фикрини эшитишди. 1920 йил 25 майда РКП(б) МКнинг Сиёсий бюроси Я. Э. Рудзутакнинг «Туркистондаги ахвол тўгрисида»ги маърузасини эшитди. Н. П. Крестинский, Ш. Э. Элиава, Г. З. Чичерин, Н. Наримоновлардан иборат комиссия тузилди. Орадан бир ой ўтгач, яъни 1920 йил 22 июнда РКП(б) МКнинг Сиёсий бюрооси ўзининг навбатдаги мажлисида Рискулов гурухининг «Туркистон жумхурияти тўгрисида»ги лойихасини кўриб чикди, лойиха жиддий танкидга учради. Аслида, кўрсатиб ўтилган комиссия тузган сиёсий бюро

карори лойихаси устига 13 июндаёк Ленин: «Менимча, Рискулов лойихасини рад этиш ва комиссия лойихасини кабул килиш лозим», деб ёзган. Ундан аввалрок эса мана бу диккатга сазовор фикр-мулохаза ва таклифларни хам илгари сурган:

Туркистонда Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети, Халк Комиссарлари Совети ва РКП(б) Марказий Комитетининг вакиллигидан иборат доимий орган бўлиши зарур, бу орган зиммасига куйидаги вазифалар юк-ланиши лозим:

а) федерал хокимиятнинг тўла хукук доирасига кирадиган сохаларни бевосита бошкариш;
в) марказий хокимиятнинг директива ва декретларининг амалга оширилиши устидан назорат килиш, шунингдек, махаллий иктисодий ва маиший шаротларга мувофиклаштириш максадида, бу директива ва декретларни тўхтатиб кўйиш ёки ўзгартириш».

Шунингдек, куйидагилар таклиф килинган: «Туркистон Комиссиясига Туркистон ХКС ва Туркистон МИК билан келишиб мунтазам иш олиб бориш мажбурияти юклансин… Улар билан «келишилсин» ва барча (ёки асосий) жанжалли масалалар Марказий Комитет ва Бутунроссия МИКга киритилсин: Хукуклар доирасининг кенгайишини (ишларда катнашиш ва хоказоларни) таъминловчи бир канча амалий чоралар кўрилсин». «Рухонийларга, панисломизмга ва буржуа-миллатчилик харакатига карши кураш усулларини» алохида ишлаб чикиш зарурлигини кўрсатиб ўтилади. Шундай килиб, план хам, бюджет хам, озик-овкат масаласи хам марказ ихтиёрида. Марказнинг йўл-йўриклари маълум шарт-шароитларда «мувофиклаштирилади», холос, жанжалли масалалар эса яна «юкорида» хал килинади…

Бўлиниш масаласига келсак, 1920 йил июнда ёзилган «РКП(б)нинг Туркистондаги вазифалари тўгрисидаги масала юзасидан РКП(б) МК Сиёсий бюроси карорининг лойихаси»да Ленин «республикани уч кисмга бўлиш олдиндан хал этилмасин», деб маслахат беради.

Бирок иттифокнинг тузилиши масаласи нихоят етилганда, В. И. Ленин 1922 йил 31 декабрда бундай деб ёзган эди.

«Шу билан бирга, ана шу ишларнинг хаммаси натижасида, Советларнинг келгуси съездида, оркага кайтиш мумкин, яъни совет социалистик республикалари иттифокини факат харбий ва дипломатик жихатдангина саклаб колиб, бошка хамма жихатдан эса айрим халк комиссарларининг тўла мустакиллиги тикланиши мумкин, шунинг учун бу тўгрида асло олдиндан, бундай бўлмайди, деб сўз бериб кўймаслик керак…» (В. И. Ленин. ТАТ, 45-том, 405-бет.)

Турар Рискулов бошлик «Турк делегацияси»нинг марказ билан сиёсий ва иктисодий муносабатларни узмаган холда, миллий мустакилликни кўлга киритиш юзасидан олиб, борган харакатлар, мулокотлари шу йўсинда хотималанди. Унга сўнгги нуктани эса Сталин кўйди…

Изох: Туркистон Комиссияси бюджетини тасдиклашдан олдин РСФСР Молия халк комиссарлигининг розилигини олади. Колган барча масалаларни хал этиш Туркистон Марказий ижроия комитетининг ва Халк Комиссарлари Советининг тўла ихтиёридадир.

Пирмат ШЕРМУХАМЕДОВ,
«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1991 йил.